



ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 22 июль ● сешанба ● № 32 (591) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru



ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

● 2008 йил — "Ёшлар йили"

ИСТИҚЛОЛ ИМКОНИЯТИ

Ислон КАРИМОВ:

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир.

Мамлакатимизда юқори малакали ёш мутахассисларни тайёрлаш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Тараққиётга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшадиган, жамиятнинг барча соҳаларини ривожлантиришга кўмак беришга интиладиган ёшларга кенг имконият ва шароитлар, энг асосийси, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий базаси яратилган.

Бугунги кунда ёшларни иш билан таъминлаш дунё миқёсидаги глобал муаммолардан бири ҳисобланади. Дарҳақиқат, давлатнинг асосий вазифаларидан бири ишсизлик даражасини камайтириш ва ёшларни бўш иш ўринларига йўналтиришдан иборатдир.

Мамлакатимизнинг барча олий таълим муассасалари битирувчиларини ўз соҳаси бўйича ишга жойлаштириш масаласи ҳукуматнинг диққат марказида турибди. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг "Қадрларни давлат грантлари асосида мақсадли тайёрлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг тасдиқлаши давлат гранти асосида таҳсил олган ва ўқини муваффақиятли битирган ёш мутахассисларни 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб иш жойларига тақсимлаш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ушбу низомга мувофиқ ишга тақсимланган битирувчиларга иш берувчи томонидан меҳнат қилиш учун шарт-шароитлар яратилади, уй-жой ва ижтимоий таъминот чоралари кўрилади. Шу билан бирга, Низомда ёш мутахассисларнинг меҳнатини рағбатлантириш ҳам назарда тутилади. Бундай имтиёزلардан Тошкент Давлат юридик институтининг 2005-2006, 2006-2007 ва 2007-2008 ўқув йилларида битирган ёш ҳуқуқшунослар баҳраманд бўлмоқдалар.

Бир неча йилдан буён Тошкент Давлат юридик институти барча вазирлик ва идоралар, ҳуқуқий муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Шу ўринда институт билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган Ички ишлар вазирлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Вазирликнинг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати, жазонинг ижро этиш бошқармаси, тергов бошқармаси, ҳуқуқбузарликнинг олдинчи олиш бошқармасининг шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бўлим-



Тошкент Давлат юридик институти магистрларининг диплом олиш тантанасидан лавҳа

лари бошлиқлари томонидан амалга оширилаётган ишларни алоҳида тилга олиш жоиз. Улар институт битирувчиларини иш билан таъминлаш бўйича масъул ходимлар билан доимий равишда алоқада бўлиб, зарурий масlahатлар бериб келишмоқда. Шулар жумладан, жорий йил 25 июнда институтда ички ишлар идораларида ишлаш истажини билдирган битирувчилар билан ўтказилган давра суҳбатини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Ички ишлар вазирлиги тизимига 2007 йил 30 нафардан зиёд ёш ҳуқуқшунос кадрлар ишга қабул қилинган бўлса, жорий йилда бу тизимда ишлаш учун муրожат қилган битирувчилар сони 120 нафардан ошиб кетди. Йилдан йилга бу кўрсаткичнинг ошиб бориши ёшларга яратилаётган имтиёزلар сифатида қаралиши мумкин.

Рустам ШАРИПОВ,
Тошкент Давлат юридик институти проректори, доцент

АДВОКАТЛИК КАФОЛАТЛАРИ

Суд-ҳуқуқ ислохотларини жадаллаштиришда адвокатура тизими муҳим ўрин эгаллайди. Демократик ҳуқуқий давлатда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг асосий кафолати бу малакали адвокатлик ҳимоясига эга бўлишдир. Давлатимизда бу борада конституциявий норма ишлаб чиқилиб, 1996 йил 27 декабрда "Адвокатура тўғрисида", 1998 йил 25 декабрда эса "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги қонунлар қабул қилинди. Жорий йилнинг 2 майида эса Президентимиз "Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институти янада ислох қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга имзо чеқди. Буларнинг барчаси адвокатура тизими ва адвокатлик фаолиятининг кафолатларини таъминлашда ҳамда ўз касбий вазифаларини амалга оширишда адвокатларга кенгроқ имкониятлар яратишдек улғу мақсадларни ўзида мужассам этган.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Жиззах филиали томонидан Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, "Инсоннинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини самарали равишда таъминлаш" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Йиғилишда иштирокчиларга қонун ҳимоячилари томонидан инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар бўйича маълумотлар берилди.

Тадбир сўнгида фуқаролар ҳуқуқларини

ҳимоялашда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг ролини ошириш юзасидан йиғилганларнинг мулоҳаза ва таклифлари ўрганилди.

Тўлқин ЯНГИБОЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Бухоро вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан Когон тумани тиббиёт бирлашмасида Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусида учрашув ўтказилди.

Унда сўзга чиққан бошқарма ходимлари Қ.Юллов ҳамда Э.Фофуровлар Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин қўшилган биринчи халқаро-ҳуқуқий ҳужжат эканлиги, шу билан бирга мамлакатимиз инсон

ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилганлигини, БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган олтинчи асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланганлиги тўғрисида фикр юритди.

Маҳфуза НОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини қадрлаш, улуғлаш ва муносиб тарзда ҳимоя қилиш оммавий ахборот воситалари ходимларининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади.

Республика Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, Хоразм вилояти ҳокимлиги томонидан тахририятлар ва журналистлар учун Урганч шаҳрида уюштирилган семинар-машғулот ана шу муҳим мавзуга бағишланди. Юртбошимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғри-

сида"ги Фармонида белгиланган вазифаларни ижодий тарзда амалга ошириш, умуман, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини муҳофаза қилишда ОАВнинг ўрни ва роли, мазкур мавзунинг ёритишнинг долзарб муаммолари анжуманда батафсил ўрганилди.

Анжуман доирасида "Босма оммавий ахборот воситаларида медиа-бизнес юритиш асослари" амалий қўлланмасининг тақдими ҳам бўлиб ўтди.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

МУРОЖААТЛАР «ИНСОН ва ҚОНУН» НИГОҲИДА

16-СОНЛИ БЎЙРУҚ ЮЗАСИДАН ПРОТЕСТ КЕЛТИРИЛДИ


Олтиариқ тумани прокуратураси томонидан тумандаги тиш даволаш поликлиникасида бош шифокор лавозимида фаолият юритиб келётган **Раънохон Маматхонованин** ноқонуний ишдан бўшатирилганлиги ҳақида газетанинг 2008 йил 10 июндаги 26(585) сонидида чоп этилган мақола юзасидан текшириш ўтказилди...

Туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Т.Саримсоқовнинг 2008 йил 2 февралдаги 16-сонли буйруғи қонунга зид равишда қабул қилинганлиги аниқланди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 102-моддаси, 2-бандига биноан, меҳнат шартномаси ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишга нолойиқ бўлиб қолиши муносабати билан бекор қилинганда, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилиш нияти ҳақида ходимни камида икки ҳафта олдин ёзма равишда (имзо чектириб) огоҳлантириши

шарт, деб кўрсатилган талаби бажарилмаган. Шунингдек, Меҳнат кодексининг 181-моддасида ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи хайфсан, ўртача иш ҳақининг 30 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима, меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-моддаси, 2-қисмининг 3 ва 4-бандлари) каби интизомий жазо қўллашга ҳақли. Ушбу моддада назарда тутилмаган интизомий жазо чораларини қўллаш тақиқланади, деб кўрсатилган бўлса-да, буйруқни чиқаришда ушбу модда талаблари бузилган.

Текшириш натижасига кўра 2008 йил 4 июлда



Олтиариқ туман прокуратураси томонидан туман соғлиқни сақлаш бўлими мудири Т.Саримсоқовнинг 2008 йил 2 февралдаги 16-сонли буйруғини бекор қилиш ҳақида протест киритилди.

А.САНГИНОВ,
Фаргона вилояти прокурори вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси

МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК БИЛАН ЁНДОШГАНЛИГИ УЧУН...

Сурхондарё вилояти, Музработ тумани, Халқобод қишлоғида яшовчи **А.Холбоев**нинг Музработ тумани агросаноат касб-хунар коллежи директори вазифасини вақтинча бажарувчи **Ш.Тиловова**га нисбатан газетачи ёзган шикоят хатидида қонунбузилиш ҳолатлари текширув жараёнида қисман ўз тасдиғини топди.

Бундан ташқари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2008 йил 4 апрелдаги баёнмаси, Марказининг 2008 йил 12 мартдаги 29/С-сонли буйру-

ғига биноан 2008 йил 27 мартда ўтказилган текширув маълумотномаси ҳамда Сурхондарё вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармаси-

нинг 2008 йил 17 апрелдаги 16-сонли баёнмасига асосланган ҳолда, қайд қилиб ўтилган ҳужжатлар Ш.Тиловова билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилишга асос бўлди.

Юқорида қайд қилиб ўтилган текширув натижаларига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томо-

нидан Музработ туман агросаноат касб-хунар коллежи директори вазифасини вақтинча бажарувчи Ш.Тиловованинг иш фаолияти даврида ўз хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашганлиги оқибатида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари содир этилишига йўл қўйганлигини инобатга олиб, ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази 2008 йил 30 апрелдаги 183-К-сонли буйруғига биноан у билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилинди.

З.САТТОРОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари, ўрта махсус касб-хунар таълими маркази директори

ТАСДИҒИНИ ТОПДИ

Газетанинг 2008 йил 27 май сонидида чоп этилган "Эски новвойхона биноси" сарлавҳали мақолада келтирилган ҳолатлар тегишли мутахассислар томонидан атрафлича ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида ҳақиқатан ҳам мақолада келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди. Ушбу низоли иш жойларда мутасадди раҳбарлар томонидан амалдаги қонунчиликка риоя қилинмаганлиги, масалага оид барча ҳужжатлар пукта ўрганилмаганлиги натижасида келиб чиққанлиги маълум бўлди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан мазкур ҳолатга қонуний баҳо бериш учун тегишли ҳужжатлар вилоят прокуратурасига тақдим этилди.

Вилоят прокуратурасининг ҳулосасига кўра, қўшимча ахборот берилмади.
Ш.ИБРАГИМОВ,
Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари

Маълумки, жорий йилнинг 1 май ойда Президентимизнинг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон моҳият-этибори билан инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган гоят муҳим халқаро ҳуқуқий ҳужжат — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигини муносиб нишонлаш ва мамлакатимизда инсон манфаатларини кўзлаган ҳолда унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида демократик, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий ислохотларни чуқурлаштириш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишларни янада ривожлантиришга муносиб улуш қўшади, десак янглишмаймиз.

Зотан, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ мамлакатимизда инсон омилига эътибор олиб қадрият сифатида эътироф этилди. Бу фикрнинг исботи учун Ўзбекистон мустақил давлат сифатида эълон қилинганидан сўнг орадан бир ой ўтгач, инсоният ҳурлигининг буюк хартияси — Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига қўшилганини эсга олиш kifоя. Дарҳақиқат, бу дадил одим замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш билан йўғрилган олижаноб эзгу мақсад мужассам эдики, Ўзбекистон бу йўлда оғишмай олган интиди. Пировардида мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла мослаштирилди. Шу тариқа демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгилади. Бу борада мамлакатимизнинг инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилгани ва шунинг баробарида БМТ томонидан қабул қилинган олтита асосий халқаро шартнома қатнашчисига айлангани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Мазкур ҳуқуқий-норматив ҳужжатлардаги тамойиллар инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилинишини кафолатлайдиган Конституция-миз ҳамда амалдаги қонунчилигимиз меъёрларида ўзининг теран ифодасини топди. Шунга ҳам айтиш жоизки, Конституция-миз умуминсоний принципларга асосланган демократик тамойиллари билан халқаро ташкилотлар ва холис экспертлар томонидан энг халқчил ҳуқуқий акт сифатида тан олинди. Шунингдек, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий асослари яратилиши баробарида унинг амалда таъминланишини кузатувчи институтлар ҳам жорий этилди. Чунончи, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари Мониторинг институти ҳамда Фуқаролик жамиятини ўрга-

ниш институти эндиликда изчил фаолият олиб бораётгани билан катта эътибор қозонмоқда.

Шунга ҳам эсга олиш жоизки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 27 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолият-

роқ йўлга қўйишимиз лозим. Зеро, инсон ҳуқуқлари ҳар биримизнинг тақдиримизга дахлдор масаладир.

тамойилларига содиқлигини тарихий аҳамиятга эга амалий ишлари билан исботламоқда. Мамлакатимизда шу



ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР ТИМСОЛИ БЎЛГАН ҲУЖЖАТ

Юртимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш, унга риоя этиш муҳим мезон саналади

Албатта, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ўз ҳуқуқларимизни тўлақонли билишимиз муҳим аҳамиятга эга. Зотан, ўз ҳуқуқларини биладиган ва уларнинг таъминланишини талаб этадиган ҳар қандай кишига кўмаклашиш, унинг ҳуқуқларини муҳофаза этиш енгил кечади. Бу борада инсон ҳуқуқлари таълим бериш тизими ташкил этилган. Қолаверса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этишнинг ноҳуқумат тизими ҳам жорий этилган. Республика-мизда 5 миңдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам бор.

Юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига амал этилиши таъминланиши ва бу соҳада тарғибот ишларини кучайтиришни рағбатлантириш мақсадлари кўзланган Миллий ҳаракат режаси қабул қилиниб, унда белгиланган чора-тадбирлар ижроси таъминланмоқда.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча соҳадаги ислохотлар мазмун-моҳияти билан инсонни улуғлашга, унинг шаъни, қадр-қимматини оширишга ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилгани билан қимматлидир. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон ўзининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари

йил 1 январдан ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни, ролини кучайтириш, бола ҳуқуқлари тўғрисидаги тарихий аҳамиятга эга қонунлар кучга кирди.

Давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган Фармони бу борада олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг янада раванқ топишига муносиб улуш қўшади, десак янглишмаймиз.

Мазкур Фармон қабул қилиниши билан фуқаролик жамиятини ривожлантириш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятини тақомиллаштириш ва ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Айталик, Фармонда кўзда тутилган дастурларга оид китоблар, журналлар нашр этиш ва сайёр кўргазмалар ташкил этиш ҳам ўрин олган. Шунга қўра, Адлия вазирлиги томонидан мамлакатимиз бўйлаб сайёр кўргазмалар ўтказилмоқда ва бу жорий йил охирига қадар давом этади.

Хусусан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш мақсадида адлия органлари томонидан 449 та тақдимнома киритилган, улардан 415 таси тўла қаноатлантирилган. Қолган тақдимномалар ҳам белгиланган тартиб ва муддатда кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақса-

дида адлия органлари томонидан суд органларига 1079 та, яъни 282 миллион сўмлик даъво аризалари киритилган бўлиб, улардан 738 та, яъни 191 миллион сўмлик даъво аризалари қаноатлантирилган, бугунги кунга қадар 629 таси, яъни 159 миллион сўмлик белгиланган тартибда ундириб берилган.

Суд қарорларига мувофиқ, 53 та даъво аризаси бўйича 12 нафар мансабдор шахсдан маънавий ва моддий зарарни қоплаш учун 9 миллион сўм ундирилган.

Ўрни келганда шунга ҳам айтиш жоизки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларда давлат ташкилотлари ва муассасалари, жамоат бирлашмалари, оммавий ахборот воситаларининг фаол иштирок этиши энг муҳим вазифа этиб белгиланган. Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳамда Адлия вазирлиги ўртасида "Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва унга риоя этиш соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида" 2008-2009 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси тасдиқланди. Ушбу режа асосида жойлардаги адлия бошқармалари ҳамда Омбудсманнинг минтақавий вакиллари ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб бормоқдалар. Шунингдек, 2007 йил 26 апрелда Адлия вазирлиги ҳамда Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг 2007-2008 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва амалиётга татиб қўйилди. Мазкур ҳамкорликдаги режалар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шунга эътибор этиш жоизки, Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари томонидан Президентимизнинг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросини сўзсиз бажариш чоралари кўрилмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этиши баробарида халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий пойдевори саналган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини муносиб нишонлашда муҳим ўрин эгаллайди, десак янглишмаймиз.

Абдуҳалим АҲМЕДОВ, Адлия вазирлиги биринчи ўринбосари

Тизим Тадбирлари АЁЛЛАР МАНФААТИ

Пойтахтимиздаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида "Ўзбекистонда мустақиллик йилларида аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда асосий эътибор хотин-қизлар ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳаётдаги, жамият, давлат ва бошқарув органларидаги фаолиятини кенгайтириш ва имкониятлар яратиш масаласига қаратилди.

Хотин-қизлар масалаларига доир қатор фармон ва қарорлар қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилгани ва улар ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида нотиклар алоҳида тўхтадилар.

Шунингдек, ноҳуш ҳолатларни олдини олиш, кўпроқ иш ўринлари яратиш, сиёсий-ҳуқуқий онгини ошириш каби масалалар юзасидан тақлифлар билдирилди.

Гулсумхон ШОДИЕВА, "Инсон ва қонун" мухбири

ҚАРОР МОҲИЯТИ

Тошкент вилояти адлия бошқармасида "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби" мавзусига бағишланган семинар ўтказилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини тақомиллаштириш тўғрисида"ги Қарори тадбиркорлик фаолиятини ихтиёрий тугатишнинг соддалаштирилган, қулай тартибини ва унинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

Семинар иштирокчилари корхоналарни ихтиёрий тугатишнинг соддалаштирилган тартибига ўтишда Қарор талабларини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлаш бўйича фикр ва мулоҳазалар билдирдилар.

Зоир ЭРГАШЕВ, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг етакчи маслаҳатчиси

НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИ

Анджон вилояти адлия бошқармаси томонидан Хўжаобод тумани ҳокимлигида "Ўзбекистон Республикасининг Нотариат тўғрисидаги Қонуни" ижроси юзасидан "Нотариал ҳаракатлар ва уларни амалга оширишнинг асосий қоидалари" мавзусида йиғилиш ўтказилди.

Тадбирда нотариат фаолиятининг ташкилий асослари, нотариал ҳаракатлар ва уларни амалга ошириш қоидалари, битимларни тасдиқлаш, мерос, мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар, меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномалар бериш каби масалалар ҳақида сўз юритилди.

Йиғилишда туман ҳокимлиги, вилоят адлия бошқармаси, ФХД бўлими, нотариал идоралар вакиллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари фаоллари иштирок этдилар.

Камолитдин ЖАЛОЛИДИНОВ, Анджон вилояти адлия бошқармаси ходими

ИЖРОГА БАҒИШЛАНДИ

Сирдарё вилояти адлия бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги "Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онанинг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда туманлар ва шаҳарлар ФХД бўлими мудирилари, ҚФЙ раислари, давлат ва хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар иштирок этдилар.

Йиғилишда мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти, ота-она қаровисиз қолган болалар манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш, воқга етмаган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда унинг аҳамияти алоҳида таъкидланди, қарор бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди, кенг омма ўртасида бу масала юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш борасида ўзаро келишиб олинди.

Гулҳаё РАСУЛОВА, Сирдарё вилояти адлия бошқармаси ходими

ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК

Бухоро вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Когон шаҳар Темирўлчилар биносида сайёр семинар-йиғилиш ўтказилди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 26 майдаги 110-сонли қарори билан тасдиқланган "Васийлик ва ҳомийлик органига ота-онанинг қаровисиз қолган болалар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори муҳокама қилинди.

Мазкур қарорга асосан, ота-она қарамогисиз қолган болаларни рўйхатга олиш ва уларни жойлаштириш учун масъул бўлган ҳар бир муассасанинг вазифалари белгилаб олинди ва қарор талабини тўлақонли бажариш бўйича тегишли тасвирлар берилди.

Шунингдек, никоҳдан ажралишларнинг олдини олиш чоралари мавзусида маъруза қилиниб, ёш оилалар ўртасидаги ажралишларга сабаб бўлаётган омиллар, уларни бартараф этиш чоралари муҳокама қилинди.

Феруза БОЗОРОВА, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

АДВОКАТЛИК КАФОЛАТЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)
Статистик маълумотларга қўра, 2008 йилнинг биринчи ярмида 301 нафар шахс адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун белгиланган тартибда лицензия олган, 122 нафари адвокатлик фаолияти билан шуғулланмоқда. Республика-мизда адвокатлик тузилмаларининг ташкилий шакллари сифатида 1 та адвокатлик ҳайъати, 6 та адвокатлик фирмаси, 27 та адвокатлик бюроси ташкил этилган. Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар Ассоциациясининг Қорақалпоғистон Республика-

си бўлими, ихтиёрий аъзоликка асосланган касбий жамоат бирлашмаси шаклидаги нодавлат ташкилот бўлиб, бугунги кунда 88 дан ортиқ адвокатни бирлаштирган. Шу йил 22 май кунини адвокатлар иштирокида ўтган йиғилишда адвокатликка номзод шахсларнинг маълумотлари кўриб чиқилиб, улар камидан бир йил юридик стажга эга бўлиши, камидан олти ой адвокатлик тизимида малака ўтатиш ва соҳа бўйича имтиҳон топшириши тасвир қилинди. Шунингдек, адвокатларнинг ўзини ўзи бошқариш

органи мақоми Палатага тенглаштирилди ва унга барча адвокатларнинг мажбурий аъзолиги белгиланди.
Адвокатлар Палатасининг асосий вазифалари куйидагилардан иборатдир:
— демократик ҳуқуқий давлатда кучли мустақил адвокатура тизимини барпо этишга қўмаклашиш;
— адвокатларнинг ҳимоячи ва вакил сифатида ўз вазифаларини амалга ошириш жараёнида касбий фаолиятини ҳимоя қилиш;
— адвокатуранинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш йўллари ва йуна-

лишини ишлаб чиқиш;
— адвокатура фаолияти, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига тааллуқли қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва муҳокама қилишда иштирок этиш;
— адвокатура ва адвокатлар манфаатига дахлдор масалаларни давлат органлари томонидан ҳал этишда қатнашиш;
— адвокатлик фаолияти ҳақида статистик маълумотларни йиғиш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибаларини оммалаштириш;
— адвокатлар касб этикаси қоидаларига ва қасамёда риоя этишларини назорат қилиш, туман

(шаҳар)ларда ҳуқуқий маслаҳатхоналар очиш, адвокатларнинг касб малакасини оширишда ва узлуксиз ҳуқуқий таълим олишларида амалий ёрдам кўрсатиш.
Адвокатларнинг касбга оид малакасини ҳамда ҳуқуқий билимини мунтазам равишда ошириб бориш долзарб масалалардан биридир. Бу борада Адвокатлар Палатаси адвокатликнинг аъзолик бадаллари ҳамда донор ташкилотлар маблағларини жалб қилган ҳолда адвокатура соҳасига оид қўллаш ва дарсликлар яратиш, адвокатура тузилмаларининг моддий, ил-

мий-услубий базасини шакллантириш юзасидан сазй-ҳаракатлар олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.
Президентимиз Фармони эса адвокатларнинг касб малакасини ошириш, уларнинг касб этика қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш учун қўйилаётган талабларни кучайтириш, адвокатлар томонидан кўрсатилмаган юридик ёрдам сифатини янада ошириш учун шароитлар яратилишини кафолатлайди.
Клара АЛЛАШЕВА, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг биринчи ўринбосари

● БУНИ УНУТМАНГ

Мамакатимиз Конституцияси, инсон ҳуқуқлари, жумладан, тадбиркорлар ҳуқуқ-мажбуриятларини ва ҳоказо ҳуқуқий-меъриё ҳужжатларини тартиб эйтиш ва кенг жамоатчиликка уларнинг туб моҳият-мақсадларини етказиш, жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш адлия идоралари олдидаги муҳим вазифалардандир.

СОЛИҚЛАР кимнингдир бойиши учун ундирилмайди...

Конституциямизнинг 51-моддасида: "Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурдирлар", деб белгиланган. Демак, солиқ тўлаш бизнинг конституциявий бурчимиз.



Солиқ кодексининг 12-моддасида эса "солиқ" тушунчасига куйидагича таъриф берилган: "Солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланган, муайян микдорларда ундирилмайдиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади". Табиийки, савол туғилади: "Солиқларни нима учун тўлаймиз?"

Солиқларни давлатнинг қон томирига ўхшатиш мумкин. Одамзотнинг яшаши учун қон томирлари қанчалик муҳим бўлса, солиқларнинг ҳам давлат учун аҳамияти шунчалик муҳимдир. Демак, солиқсиз давлат бўлмаганидек, давлатсиз солиқ ҳам бўлмайди.

Молия вазирлигининг маълумотларига кўра, давлат бюджети даромадларининг асосий қисмини солиқлар ва мажбурий тўловлар ташкил этади. Бизнинг наздикида, солиқларнинг қайта эквивалентлиги яққол кўринмайди, лекин давлат бюджетидан маориф, маданият, иқтисодий, оммавий ахборот воситалари, соғлиқни сақлаш, спорт, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, марказлаштирилган инвестициялар, давлат бошқаруви ҳамда судлар, прокуратура органлари ва адлия муассасаларини сақлаш ҳамда бошқа харажатлар давлат бюджетидан қилинади.

● Бепарво бўлмайлик

СИМ ЎҒРИСИ

Сир эмаски, бугун ҳаммамиз беминнат хизматкор — телефонга суяниб қолганмиз. Унингсиз ишимиз битмайди. Узоқни яқин қиладиган ҳар қандай муаммо ва муҳим масалаларни бир зумда ана шу беминнат "юғурдак" орқали ҳал қиламиз.

Инсонмиз, иссиқ жоннинг иситмаси бор, деганларидек, ҳеч қутилмаганда кўнгилсиз воқеа рўй бериши мумкин. Ана шундай пайтда телефон хизмати бекиёс. Бугунги кунда қаримизми, ёшимизми, сўзсиз телефон хизматига муҳтожмиз, бунинг қилиб бўлмайди. Бироқ, айрим пайтлар телефонимиз хафталаб, баъзан ойлаб ишламай қолишига ўз "ҳисса"сини қўшаётганлар хуноб қилмоқда. Улар нафсларини, биринчи кунлик кайфу сафосини ўйлаб, одамларга ҳам моддий, ҳам маънавий зарар етказмоқдалар. Энг ёмони, қария ва беморларнинг илжини ҳамда таянчи, ишончи бўлган телефонлардан бебахра қолдирмоқдалар.



Бир мисол. Эндигина ўн олти ёшга кирган Суннатилло Ўроқов базур олтинчи синфни битириб, ўқишни ташлаб, бирор-бир ишинг бошини тутмай, кўча безориликни касб қилди. Ота-онаси, маҳалла-қўй уни тўри йўлга соламан деб, қўл ҳаракат қилди. Лекин фойдаси бўлмади. У ишқемас, танбаллиқни ўзига эп билиб, ўғирлик йўлига кирди. Шу йилнинг саккизинчи май куни кечаси соат биларда Каттакўрғон шаҳар Усомон Юсупов шоҳқўчасида жойлашган "Ватанпарвар" автомобиль жамиятига қарашли ётоқхона олдидаги Каттакўрғон шаҳар телекоммуникация боғланмасига қарашли 55-метр ТПП IOX2 русумли телефон кабелни ўғирлаб, мис синими мўмай пулга, яъни 106275 сўмга сотиб, ўз эҳтиёжига сарфлаб юборди.

Қарс икки қўлдан чиқади, деган гап бор. Уларни ички ишлар ходимлари жоловланмапти, деб қўл қовуштириб, қуруқ сафсата тўқиш билан иш битмайди. Ахир телекоммуникация боғланмалари, телефон яшиқлари, ишхонамиз, уйимизнинг олдида ўрнатилган-ку. Нега унинг атрофида юрган бегона кишиларни кўриб кўрмасликка оламиз. Ҳаттоки телефон симларини қовлаётганларни кўриб, нима қиляясан, деб сўрамаймиз. Уша қонунбузарга танбех бериш, уни тартибга қақшириши ўзимизга эп билмаймиз. Ахир бугун телефон сими, эртага электр сими, кейин газ қувурини ўғирлаб кетишса, бепарво яшашда давом этсак, охири нима бўлади?

Шуни унутмайликки, ғафлат доимо қайғу ва алам келтиради.

Олим СУЛТОНОВ, Каттакўрғон шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция подполковниги, Азим ҚОДИРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

● Таҳлил

СОДДА ВА АНИҚ УСЛУБДА


Фуқароларнинг бузилган ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашда судларнинг ўрни бекиёсдир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қатор қарорлари судларда жиноят, фуқаролар ишларининг қўрилиши, уларнинг қайси жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилиши бўйича тавсиялар беради, улардаги тушунтиришлар содда ва аниқлиги билан диққатга сазовордир.

Шу ўринда Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майда қабул қилинган "Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида"ги қарори хусусида тўхталмоқчимиз.

Айрим ҳолларда шахсни бир қанча жиноятни содир этганлик учун жавобгарликка тортишининг мавжуд муаммоларини бартараф этишда Пленум қарори муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур Қарорда жиноятлар мажмуи, такроран жиноят содир этиш, жиноятларнинг идеал ва реал мажмуи, узоққа чўзилган ва давомли жиноятларнинг ўзига хос хусусиятлари, рецидив жиноят тушунчасига алоҳида эътибор берилган. Шунингдек, айбдорнинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг бир неча моддаларида назарда тутилган жиноят аломатлари бўлса, жиноятнинг қандай квалификация қилиниши, лозимлиги тушунтирилган.

Жиноят кодексининг 56-моддаси "н" бандида илгари қасддан жиноят содир этган шахснинг такроран жиноят содир этиши ҳазонни оғирлаштирувчи ҳолатлар сифатида назарда тутилган. Қабул қилинган Пленум қарорининг 2-банди 3-хатбосида такроран жиноят содир этиш деганда, шахс томонидан турли вақтларда қасддан содир этилган икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этилиши тушунилади.



Яна бир ижобий жиҳат шундаки, қарорда такроран жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишда мавжуд бўлган тушунмовчиликларга аниқлик киритилган. Масалан, содир этилган ўғрилик жиноятида Жиноят кодексининг 169-моддаси, 3-қисмида кўрсатилган такрорийлик белгиси ва ушбу модданинг 4-қисмида кўрсатилган бошқа белгилар мавжудлиги аниқланган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг 169-моддаси, 4-қисми билан квалификация қилиниши лозим. Бу ерда

● Сўраган эдингиз

"ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШИШ МУМКИНМИ?"

— Мен ҳаётда анча қийинчиликларга дуч келдим ва учта уйим бўла туриб, бошпанасиз қолдим. Сабоби, тақдир тақозоси билан қамалиб қолдим. Оиламни сақлаб қолиш учун ачка уринсам-да, бунинг иложи бўлмади — 2006 йил декабрь ойида собиқ хотиним билан қонуний ажрашдик.

Азизхон НОДИРОВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Ҳозирги кунга қадар 4 хонали уйда доимий рўйхатда тураман.

Турмушимиз мобайнида 1 та 4 хонали, 2 та 2 хонали хонадон сотиб олдик, яхши ният билан бу уйлари унинг номига расмийлаштириб қўйган эдим. Узаро келишувга асосан, шу хонадонларни сотиб, пулларини бўлиб олмоқчи эдик, битта 2 хонали хонадон меннинг розилигим билан сотилди, пуллар эса собиқ турмуш ўртоғимда қолди. Ва яна бир 2 хонали уй сотилганда сизга пулни бераман, деганди, лекин ҳалигача сотилмади, бу иккинчи хонадонни сотишга нотариус орқали мендан розилик олгандан сўнг, хотиним мени уйга киритмай қўйди. Шундан кейин мен сотилмаган 2 хонали хонадонда яшай қолай деб, борсам, меннинг розилигимсиз фақат нотариал идора орқали сотишга берган розилигим билан бир қизимизга ҳада қилиб юборибди.

Ушбу турар-жойлар битта 4 хонали, иккита 2 хонали хонадонлар эр-хотин бўлиб яшаган вақти-мизда умумий мулк ҳисобидан бўлиб, шунинг учун мен суд орқали хотиним тузган ҳада шартномасини бекор қилишим мумкинми? Тўғри, квартира воёга етиб, турмушга чиққан қизимизнинг номида, лекин қизимиз Самарқанд вилоятида яшайди, ушбу турар-жойни собиқ хотиним ҳозирда ижарачиларга берган, лекин мен кўчада қолдим. Мен ҳам яшашим керак-ку, ушбу ҳолатда ҳада шартномасини бекор қилиш қандай сабабларга кўра амалга оширилади? Суд қандай сабабларга кўра ҳада шартномасини бекор қилишни рад этиши мумкин?

Наҳотки, тақдирнинг аччиқ синовлари инсонни хўрласа? Оила ва фарзандларни воёга етказсанг, натижада фарзандларнинг бунинг эвазига отани кўчага ҳайдас. Бу уйлар мени ҳамон қийнайди!

Тўлқин АМАНОВ, Тошкент шаҳри, Сирғали тумани

— Ўзбекистон Республикаси ФК 507-моддасида ҳада-ни бекор қилиш асослари кўрсатилган бўлиб, унга кўра, ҳада олувчи ҳада қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳада-ни бекор қилишга суд тартибидида йўл қўйилади.

Ҳада олувчи ҳада қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳада қилувчининг ворислари судда ҳада-ни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Агар ҳада олувчининг ҳада қилувчи учун унга катта номулқий қийматга эга бўлган ҳада бўлиши нисбатан муомаласи унинг бутунлай йўқ бўлиб кетиши ҳавфини солса, ҳада қилувчи ҳада бекор этилишини суд тартибидида талаб қилишга ҳақли.

Жиноят кодексининг 33-моддаси, 2-қисмида кўрсатилган қонуннинг татбиқ этилиши тушуниладиган, яъни шахснинг ҳаракатларида такроран жиноят содир этиш мавжуд бўлиши билан бирга, жиноятлар идеал мажмуи ҳам борлигини кўрсатади. Шу сабабли ҳам қилмиш ушбу модданинг оғирроқ қисми билан квалификация қилинади.

Пленум қароридида давомли жиноятнинг тамом бўлиш вақти ва давомли жиноятларга нисбатан қонуннинг орқага қайтиш кучини қўллаш масаласига ойдинлик киритилган.

Пленум қароридида шахсни ҳавфли ва ўта ҳавфли рецидивист деб топиш масаласи ҳам акс этган бўлиб, суд амалиётида шахс судланганлик мuddати ўтмасдан янги жиноят содир этса, шахснинг ҳавфли ёки ўта ҳавфли рецидивист деб топишда хатолликларга йўл қўйилмаслигига эътибор қаратилган. Чунки, Пленум қарорига кўра, Жиноят кодекси Махсус қисмининг ўта ҳавфли рецидивист томонидан содир этилган жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи моддалари билан фақат бу жиноятни содир этгунга қадар қонунда белгиланган тартибда суднинг ҳукми билан ўта ҳавфли рецидивист деб топишдан шахслар ҳаракатларига квалификация қилиниши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарор суд амалиётида ву-жудга келадиган муаммоларни ечишга ёрдам беради ва нафақат жабрланувчилар, балки жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсларнинг ҳам ҳуқуқларини ҳимоялашга, қонун устуворлиги таъминлинишига хизмат қилади.

Илхом МАМАРАЙИМОВ, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Ҳамза туман судининг раиси

● ҚОНУН ҲИМОЯСИ

нинг аксини қилаётгани афсусланарлидир. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига қарашли айрим бандликка кўмаклашувчи марказ ходимлари томонидан жиддий қонунбузилишлари содир этилган.

Тошкент вилояти, Бекобод шаҳар бандликка кўмаклашувчи марказ инспекторлари У.Турсунқулов ва А.Алиқулов узаро жиноий тил бириктириб, фуқаролар Х.Султонов ва Р.Ҳолиқовнинг "Абдусамат қурилиш савдо" хусусий корхонасида ишлаётганлиги ва уларнинг иш ҳақи тўғрисида сохта маълумотномалар олиб, Ш.Ҳолиқова ва Ш.Мамажоновга икки ёшгача фарзанди тарбияси учун нафақа берилишини таъминлаганлар.

Айрим хусусий корхона, фермер ҳўжалиқлари, ҳатто давлат ташкилотларидаги масъул кишилар оқибатини ўйламай, сохта маълумотномалар ёзиб беришининг "мазасини" тотган, шекилли, Янгийўл туманидаги "Ғофуржон" фермер ҳўжалиғи раҳбари Х.Тошматов фуқаролар И.Пирматов, З.Махаммадиевга ишлаганлиги ва иш ҳақи тўғрисида сохта маълумотномалар ёзиб берган.

Учқудук тумани "Узро-суғурта" ДАСК бўлими бош хисобчиси А.Мусаев ёзиб берган сохта маълумотнома ҳам яна бир оиланинг мезон талабларига ҳавоб бермасда, давлат мададидадан фойдаланишига йўл очиб берди.

Албатта, қонуннинг ёрдам олганлар маблагни давлат хазинасига қайтариб топширишга мажбур бўлдилар, сохта маълумотнома ёзиб берганлар ҳам жиноий жавобгарликка тортилдилар.

"Ғойбу" қишлоқ фуқаролар йиғинида 2,8 миллион сўм ва Чуст туманидаги "Меҳнатобод" маҳалла фуқаролар йиғинида 8,7 миллион сўм, шу тумандаги "Ариқ бўйи" маҳалла фуқаролар йиғинида эса 4,9 миллион сўм нафақа пуллари қонуний таъинланганлиги аниқланди. Афсуски, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Кўриб турганингиздек, гап миллион-миллион сўмлар ҳақида борапти. Агар, бу маблаглар ҳақиқий эгаларига — муҳтож оилаларга етиб борса, улар ўз рўзгорини бутлашига мадад бўларди. Бу гапни шунчаки айтаётганимиз йўқ — моддий ёрдам ва нафақа сўраб мурожаат қилган фуқароларга ноўрин рад жавоби берилиши ҳоллари ҳам учраयпти. Наманган шаҳар, "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи икки ёшгача бола паравариши билан банд бўлган 35 нафар оналарнинг мулкий аҳолини тўлик ўрганмасдан тўлов рўйхатидан чиқариб, уларга асоссиз равишда нафақа тайинлаш рад этилган. Шаҳар прокурори протест келтирдик, оналарнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди, улар яна нафақа ола бошладилар.

Прокуратура органлари қонунбузарликларни аниқлаб, жиноятга жазо муқарарлигини таъминлашдан ташқари, юқоридagi каби салбий ҳолатларнинг юзга келиш сабабларини ҳам ўргандилар. Хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, нафақа ва ёрдам пуллари таъинлашда учраётган қонунбузилиш ҳолатларига Молия вазирлиги, Назорат-тафтиш Бош бошқармасининг вилоят бошқармалари ва туман бўлимлари томонидан моддий ёрдам ва нафақалар тайин-

ЎЗГАЛАР ҲАҚҚИГА ЖИЁНАТ

Давлат ёрдами ўз эгаларига етиб бораптими?

Мамакатимизда аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилмоқда.

Эҳтиёжманд оилаларга ёрдам пули, нафақа тайинлашга асос бўладиган ҳолатлар, оналарга болани икки ёшга тўлгунча парварош қилиш бўйича ҳар ойда тўланадиган нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиблари, мезони белгиланган. Афсуски, прокуратура органлари текширишлари давомидида бу талабларнинг бузилиш ҳолатлари учрамоқда. Қаердадир бу ҳолатлар эътиборсизлик, бепарволик туфайли ўз берган бўлса, қаердадир давлатнинг муҳтож оилани қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши лозим бўлган маблага кўр-кўрона, сохта ҳужжатлар асосида бошқа бировларнинг қўнғатини қаппайтираётганидан, афсуски, кўз юмолмаймиз.

Ажратилган нафақа ва ёрдам пулларини нақд пул билан сўзсиз таъминлашлари лозим бўлган банк муассасаларида жиддий қонунбузилишлар мавжудлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Жумладан, республика давлат тижорат "Халқ банки" Сариев бўлими бўлими томонидан 2007 йил 5 ноябрь ҳолатига кўра, 121 миллион сўм нафақа ва моддий ёрдам пуллари нақд пул билан таъминлаб берилмаганлиги, шу бўлимга қарашли 010 сонли шохобча бухгалтер Н.Ҳотамова 348,4 миң сўм нафақа пуллари имзоларни сохташлатириб, талон-тороҳ қилганлиги аниқланди. Жиноят учун жазо муқаррар. «Халқ банк»и туман бўлими бош хисобчиси С.Юсуповга нисбатан Жиноят кодексининг 184-1-моддаси, 4-қисми, Н.Ҳотамовга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо тайинланди.


Акциядорлик-тижорат "Пахтабанк"нинг Балиқчи тумани бўлими мансабдор шахслари томонидан туман халқ таълими бўлими хисоб рақамига келиб тушган 2 ёшгача болалар нафақаси учун берилиши лозим бўлган 6 миллион сўм маблагнинг ҳужжатлари сохташлатирилиб, ҳаражатга чиқарилгани ва банкда сақлаб келинганлиги аниқланди. Бу иш бўйича Жиноят кодексининг 205-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Давлатимиз томонидан муҳтож оилаларга йўналтирилган моддий ёрдам ҳақиқий эгаларига етиб боришни таъминлаш лозим бўлган масъул вазифалардаги кишиларнинг ўзлари бу-

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари — қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, улар таркибидидаги махсус комиссияларга кам таъминланган хонадонлари аниқлаб, нафақа ва ёрдам пули олишга тавсия қилишдек масъулиятли вазифа юклатилган.

Бу иш улар учун қийин эмас — ўзини ўзи бошқариш маҳаллий органлари халққа жуда яқин туради, ҳар бир хонадоннинг моддий аҳоли қандай эканлигини яхши билади. Улар билган бу ҳақиқатлар ёрдам олиш учун ариза берган фуқаро тақдим этган маълумотномалар билан тасдиқланса бас, мезонларга

ланиши қонунийлиги ва ўз вақтида туланиши устидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тегишли тармоқлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ҳақида вилоятлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармалари томонидан қуйи тизимлар фаолияти устидан назорат ва талабчилик суъайтириб юборилганига эътибор қаратилади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг туман ва шаҳар бўлимлари бошлиқлари ва меҳнат инспекторлари фаолияти юзасидан тегишли назорат ўрнатилмаганлиги, ҳисобот-



тўғри келса, марҳамат ёрдам пули, нафақа олишда ҳеч қандай муаммо бўлмайди... Афсуски, айрим ҳолатларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахслари ҳамда нафақа ва моддий ёрдам таъинлаш бўйича комиссиялар томонидан қонуний нафақа тайинлаш, мансаб ваколатларини суъистеъмол қилиб, бюджет маблагларини талон-тороҳ этиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Тошкент вилояти, Бекобод тумани, "Гулистон" қишлоқ фуқаролар йиғини қотиби Ф.Сафаров ҳужжатларни қалбақлаштириб, фуқаро Ф.Бўрибоевнинг бир вақтинчиси ўзида "Гулистон" ҚФЙ ва "Назарбой" маҳалла фуқаролар йиғинидан нафақа олиши учун шароит яратиб берган, яна бир неча фуқароларга сохта ҳужжатлар асосида нафақа пуллари қонуний тўлаб келинган. Ф.Сафаровга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси, 1- ва 3-қисмлари билан жиноят иши қўзғатилди.


Прокуратура органлари текширишларида Янгиер шаҳар, "Маърифат" маҳалла фуқаролар йиғинида 4,2 миллион сўм, Урганч туман,

лари қабул қилиш тўғри ташкил этилмаганлиги ҳамда тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда ва пул маблагларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлашда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига номигагина амалий ёрдам берилаётганилиги, комиссия таркибидида оилаларнинг даромадлари ва мулкий аҳолини кўриб чиқиш, шунингдек, нафақа олувчининг ариза-сидида баён қилинган маълумотларнинг тўғрилиги текшириб борилмаганлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида нафақа, моддий ёрдам таъинлаш комиссияси фаолияти ўз ҳолига ташлаб қўйилганилиги, банк муассасалари томонидан нафақа учун бюджетдан молиялаштирилган маблагларнинг таъинлаш тартибидида нафақа пуллари депозит ҳисоб рақамларига ўтказилиши қонунийлиги юзасидан доимий текширишлар ўтказиб борилмаганлиги аниқланди.

Салом САМАДОВ, Республика Бош прокуратурасининг бошқарма бошлиғи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси

Ўқидингизми?

"ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ"



Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий марказининг нашри бўлган "Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари" журналининг 2-сони муштарийлар эътиборига ҳавола қилинди.

Ўзбек, инглиз, рус тилида чиқадиган мазкур журналнинг ўзбекча вариантида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллиги муносабати билан Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидовнинг "Инсон ҳуқуқларининг буюк ҳартияси" мақоласи эълон қилинган. Унда мазкур Декларациянинг яратилиши, унинг тарихий ва ҳуқуқий аҳамияти, Ўзбекистонда ушбу декларациянинг татбиқ этилиши ҳақида батафсил фикр юритилди. Шу билан бирга ушбу санага бағишлаб юртимизда ўтказилган муҳим тадбирлар ҳақида (журналнинг ўзбек, инглиз, рус тилидаги вариантларида) атрафлича маълумотлар берилган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Жума Чоршанбинининг "Фуқаролик жамияти шаклланишида жамоатчилик назоратининг аҳамияти" номли мақолада жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асослари, шу йўналишдаги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ўрганиш хулосалари, жойлардаги жамоатчилик назорати қандай амалга ошаётганлиги ҳаётини мисоллар ёрдамида кенг таҳлил қилинган. Сиёсий ва ҳуқуқий таълимлар тарихи фанининг юридик фанлар тизимидаги ўзига хос ўрни, мазмун-моҳияти, унинг бугунги тараққиёти ҳақида фикр-мулоҳаза юритилган "Сиёсий ва ҳуқуқий таълимлар тарихи: мазмуни ва долзарблиги" номли таҳлилий мақола юри-

дик фанлари номзоди Мурод Турғунов қаламига мансуб. Журналнинг ўзбек, инглиз, рус тилидаги вариантлари Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2007 йилдаги фаолияти билан атрафлича танишишингиз мумкин.

Мазкур журналнинг инглиз тилидаги вариантдан А.Саидовнинг "Ўзбекистон: мустақил ривожланиш ва инсон ҳуқуқлари", Л.Хаокаининг "Пекин форуми инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бағишланди", В.Қўчқоровнинг "Ижтимоий-сиёсий ҳаёт ривожланишида миллий ўзлигини аниқлашнинг аҳамияти" сарлавҳали мақолалари ўрин олган бўлса, рус тилидаги вариантда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишланган кўплаб мақолалар, "Бола ҳуқуқлари — инсон ҳуқуқлари" рункида юридик фанлари номзодлари Фарид Бакаеванин "Бола

ҳуқуқларини ҳимоя қилишда миллий ва халқаро андозалар муносабати", М.Хайитовнинг "Шаларнинг меҳнат ҳуқуқлари: Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва халқаро андозалар" номли ва бошқа бир қатор мақолалар чоп этилган.

Шунингдек, муҳлислар журналнинг шу сонидан ўрин олган яна кўплаб қизиқарли материаллар билан танишадилар. Дилором МАТКАРИМОВА, "Инсон ва қонун" муҳбири

Жиноятга жазо муқаррар

ҚАЛЛОБЛИК

Мамакатимизда тадбиркорлик фаолиятига иқтисодий тараққиёт омилли, фаровон ҳаёт манбаи сифатида қараш, бу соҳа вакиллари ўз имконияти ва салоҳиятини тўлиқ рўйга чиқариши учун барча зарур шарт-шароитларни яратиш борасида салмоқли ишлар амалга ошириб келинаётганига ҳар биримиз гувоҳимиз. Аммо, ана шу ижобий ишларга ҳола солидирган бир ҳолат борки, биз уни шартли равишда "сохта тадбиркорлик" деб атаёмиз.

Ўхшуд жиноий даромадларни ўзлаштириш "касаллиги"

кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорда жаримага тортилган. Аммо, бу жазо унинг қор қилмаган чоғи, Ж.У. ўзининг ноқонуний ҳаракатларини бир лаҳза бўлса-да, тўхтатмади.

Хусусий тадбиркорнинг банкдаги ҳисоб рақамидан кредит пули айланмаси 2007 йил 5 мартдан 2 августга қўйилган даврда юқорида қайд этилган суммани ташкил этган бўлиб, шундан 917 миллион 902 миң сўмдан ортиқроқ пул маблағлари ҳар хил ташкилотлардан қурилиш моллари учун, 39 миллион 628 миң сўми уяли алоқа компаниясида рабатлантириш учун ва 222 миллион 500 миң сўми савдо пули сифатида кириб қилинган. Шу билан бирга юқорида кўрсатилган давр мобайнида унинг ҳисоб рақамидан 1 милли-

таҳлили шуни кўрсатдики, у ўз фаолияти давомида қурилиш моллари ишлаб чиқаришда керак бўладиган ҳеч қандай ҳомаҳот сотиб олмаган. Демак, у ҳеч қандай маҳсулот ҳам ишлаб чиқармаган. Аммо унинг ҳисобига "ROSTINGENGINEERING", "SOFT IRON TECHNO", "URGUT SAVDO SERVIS", "BAXT" каби кўплаб хусусий корхоналардан қурилиш моллари учун жуда катта миқдорда маблағ келиб тўшганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Бу маблағлар "енг учиди" ўзлаштириб юборилганлигига ҳеч қим шубҳа қилмас керак!



Кўришиб турибдики, хусусий тадбиркор Ж.У. ўз фаолиятини бутунлай ноқонуний пул айланмаси ташкил этишига бағишлаган. Натижада унга ва шерикларига, яъни мазкур ноқонуний опе-

ард 213 миллион 250 миң сўм миқдордаги пул маблағлари экспресс тўлов картончалари учун чиқариб юборилган. "Нақдлаштириш" васвасаси шу даражага бориб етдики, у савдо пулларида атиги 222 миллион 500 миң сўмининггина банк муассасасига топширган. Қизғин, "хамир учидан патир" қабилидаги бу маблағ республикамизнинг турли ҳудудларида жойлашган банклар орқали келиб тўшган. Ваҳоланки, тадбиркор Ж.У.нинг "Равнақбанк"даги ҳисоб рақамига айнан юқоридаги маблағлар келиб тўшган сана билан бир вақтда савдо пуллари кириб қилинган. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майдаги "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни 6-моддасига кўра, яқна тартибдаги тадбиркорлик яқна тартибдаги тадбиркор томонидан ҳодимларни ёллаш ҳуқуқисиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк неғизда мустақил равишда амалга оширилади. Кўришиб турибдики, бир тадбиркор бир вақтнинг ўзига 2-3 вилоятда савдо пуллари банкка топшириши ҳақиқатдан йироқ.

Бундан ташқари, хусусий тадбиркор Ж.У.нинг ҳисоб рақамидан пул айланмаси

рация иштирокчилари бўлган хусусий фирмалар раҳбарларига солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан буйин тўлаганлиги ва савдо қондаларини жуда кўп миқдорда бузганлиги учун Жиноят кодексининг 184-моддаси, 3-қисми, 189-моддаси, 3-қисми, 205-моддаси, 2-қисми, "в" банди ва 209-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Агар Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2007 йил мобайнида солиқ ва валютага оид 803 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, шундан 106 таси, жорий йилда қўзғатилган 376 та жиноят ишининг 87 таси ҳудуди шундай қаллоблиқлардир.

Аммо, бир ҳақиқат қундай равшан: ҳеч қандай ҳуқуқбузарлик қонун назаридан четда қолмайди. Юқорида келтирган тафтилолимиз эса бунга ҳаётий мисолдир.

Саъдулла АҲМЕДОВ, Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти Тошкент шаҳар бошқармаси суриштирув бўлими бошлиғи, Гулбаҳор САТТОРОВА, журналист

Юридик таълим фидойилари

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, атоқли ҳуқуқшунос, кўплаб шоғирларнинг устози, оқилнинг пирю бадавлат устани Азиз Юнусов айни кезларда ҳам она Ватан — Ўзбекистон ва унинг порлоқ келажағи учун ўз улуғлигини кўйиб, жамиятда ўз ўрнини сақлаб келаётганлиги кўпчиликлка аён.

ТАФАККУР МАЁҒИ



Азиз ака ҳудди ёшлардек бардам, тетиқ, ҳаракатчан, изланувчан. Шунинг учун ҳам у кишининг ақсан баҳорини ортда қолдирганлигига ҳеч қим ишонмайди. Одамларга яхшилик улашиш учун киши феъл-атворининг асосини ташкил этса, ҳаётга фалсафий қарашлари тафаккур маёғидир. "Яхшилик — ҳар инсон умрини безар", деганларидек, қилаётган эзгу ишлари эвазига у кишининг ҳаёт йўллари жуда мароқли, гўзал ва сермазмун.

Узоқ мuddат суд-ҳуққ соҳасида турли вазифаларда фаолият кўрсатган Азиз ака бўш вақтларида одамларга маънавий озуқа беришга, таниқли ҳуқуқшунос сифатида йиллар давомида орттирган тажрибаларини ёш авлодга етказишга интилиши билан кўпчиликдан фарқ қилиб туради. Ҳуқуқшунослик касбининг журналистика билан уйғуллаштирилган Азиз ақанин аҳоли ҳуқуқий савдо-хонлигини оширишга йўналтирилган мазмулардаги мақолалари кўпчилик ўқувчилар қалбидан ўрин олган. Адлия вазирлиги томонидан ўтказилаётган "Энг яхши ҳуқуқий мақола" курик- танловининг 2007 йилги соҳридорлари орасида Азиз ақани кўриш биз ёшлар учун нечоғлик ибратлидир.

Кейинги йилларда ёган "Сўз қудрати", "Инсонларварлаштириш: баркамол авлод тарбиясидаги яхшилик демекдир", "Фарзандга ҳунар ўргатинг: ёхуд яна ота-она масъулияти хусусида", "Ешлар ҳуқуқий маданиятга муҳтожми?", "Миллий мафкурамининг диний неғизлари" каби туркум публицистик мақолаларининг ҳар бирида келажакимиз эгалари ҳисобланмиш ёшлар, уларни баркамол авлод сифатида тарбиялашда биз катталар зиммасидаги масъулият юки нечоғлик улугъ эканлиги ҳақида фикр юритилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Азиз ака қаламига мансуб ҳар бир мақола — ўзича яхлит бир асар. Бундай дейишимизга сабаб, ҳар бир мақолада алоҳида бир мавзу, муаммо қаламга олинган ва хулоса қисмида ана шу муаммонинг ечим кўрсатиб берилган. Айниқса уларнинг тарбиявий хусусияти эътиборга молик.

Кўплаб мақолалари хотира, қадрлаш ва тарихга бағишлангани билан ҳам кўчвинчи ўзига жалб қилади. Буюк Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳазратлари ҳақида ҳикоя қилувчи "Бизким, мулки Турон, Амири Туркистонимиз" тарихий эссеси ва ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳаёти ва иқидога бағишланган "Аҳли маъийн" бадиҳиси ҳам тарихий манбаларга асослангани ва теран мушоҳадаларга бойлиги билан кўчвинчи ҳайрат умонига чўктиради, уни қайта-қайта ўқигша ва мулоҳаза юритишга чорлайди.

Хуллас, Азиз Юнусовнинг кўни кўрган, ҳаётини таърибга эга бўлган файласуф сифатида биз ёшларга ибрат бўлаётган ишлари ҳақидаги ушбу мақоланин "Тафаккур маёғи", деб номланиши беҳиз эмас. Зеро, у кишининг битиклари тафаккурни уйғутувчи, огоҳлик ва ўйғоқликка чорловчи публицистик асарлар тарикасида ҳар бир кўнлдан жой олиши ва уларни ўқиб, мағзини чаққан ўқувчининг юрағида яхшилик ва эзгулик ниҳоллари янashi муқаррар.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистон журналистлар иқидий уюшмасининг аъзоси, Республика миксбидога шахсий пенсионер, бир неча асарлар муаллифи, сервирда фаолият соҳиб, сермеҳр устоз Азиз Юнусовни юз эшида ҳам саксон ёшдаги шижоат ва бардамлик, изланувчанлик ва ишчанлик тарқ этмаслигига тилақдошман.

Абдуқамол РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПК-672 сонли қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар буйича тақлифларини қабул қилиш мuddатини узайтирилганлигини маълум қилади: Тендер тақлифларини қабул қилиш мuddати 2008 йил 19 август кунин соат 12.00да тугайди.

Table with 6 columns: №, Корхонанин номини, Манзили, Сотилдиган улуш (%), Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.), Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.). It lists various companies and their tender details.

Тендерда иштирок этиш истағи бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Ушбу ҳолда информация меморандум, тендерни ўтказиш қондалари ва тендер тақлифининг шақини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Давлат мулки кўмитасига тўлдирилган ва имзоланган ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргалиқда тўлов амалга оширилганлиқни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олинмиши мумкин.

Тендер ҳужжатлари учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг куйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим: Валюта рақами № 2020384050060289001, Ҳисоб рақами № 2020300060060289001, "Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., Фарход кў., 12 - "А" уй, ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22.

Тендер тақлифларининг очилиш маросими 2008 йил 19 августда соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг мажлислар заллида (5 - қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер тақлифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер катнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер тақлифларини очиш маросимида катнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар буйича куйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Information boxes for Dam Olish Maskanlari, Kimisanoat Sohasi Korxonalari, and Pakhtasanoat va Neft-Gazni Kayta Ishlash Korxonalari.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилояти адлия бошқармаси Зангиота туман ҳудудида хусусий амалиёт билан шугуланувчи нотариуси, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси Бойсун туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимларига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шугулануши ҳуқуқини бериучи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда катнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим: 1. Комиссия номига ариза; 2. Лиспорт нусхаси; 3. Белиланган шаклда тўлдирилган шакли вақра;

Танловда катнашишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида вилоят адлия бошқармаларига мурожаат этишлари лозим.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 253-84-30, 280-51-03. Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси телефонлари: 22-3-26-43, 22-3-37-69.

Information boxes for Samarkand and Toshkent regions regarding legal services and notary positions.

Footer containing 'INSON VA QONUN' logo, contact information, and subscription details.